



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Шу йил 4 феврал куни халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Бугунги учрашувимиздан асосий мақсад — сизлар билан кўришиб, ҳолаҳвалингиздан хабардор бўлиш, ўз ечимини кутиб турган муаммолар, қийинчиликлар ҳақида фикр алмашиш ва олдимизда турган долзарб вазифаларни аниқлаб олишга иборат. Энг муҳими, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, аввало, бошқарув тизимидаги раҳбарларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш масаласини кўриб чиқсак, айтиш мумкин, бу ҳақда давлатимиз раҳбари ўз нутқининг аввалида ва қўйидаги фикрларини алоҳида таъкидлади.

Ҳаммамизга яхши маълум, Тошкент вилояти катта иқтисодий ва ижтимоий салохиятга, улкан табиий ва инсоний ресурсларга эга бўлган марказий вилоят сифатида Ўзбекистонимиз ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаб, кўпгина соҳа ва йўналишлар бўйича етакчи бўлиб келади.

Шу борада айрим мисолларни олиб келадиган бўлсак, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг қарийб 15 фоизи, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 12 фоиздан зиёди, иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг тахминан 10 фоизи, ялпи ички маҳсулотимизнинг эса 9,7 фоизи айтиш шунда вилоят ҳиссасига тўғри келишининг ўзи кўп нарсани далолат беради.

Бу заминда жойлашган Ўзбекистон металлургия комбинати, Чирчиқ қишлоқ ҳўжалиги техникаси заводи, Олмалик кон-металлургия комбинати, дунёга машhur "Женерал моторс" компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, автомобил двигателлари ишлаб чиқарадиган ноёб замонавий корхона, Янги Ангрэн ҳамда Тошкент иссиқлик электр станциялари ва бошқа йирик саноат корхоналари республикамиз иқтисодиётининг локомотивлари, десак, адашмасан бўламиз.

Ҳеч шубҳасиз, бу корхоналар юртимиз бойлигига бойлик қўшаётган, нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё минтақасида кўзга кўринган ишлаб чиқариш мажмуалари ҳисобланади.

Айни вақтда Тошкент воҳасининг энг катта бойлиги — бу, авваламбор, кўпни кўрган, ўзининг меҳнати, интеллектуал салоҳияти, билим ва тажрибаси билан ўз юртини обод этиб келаётган ишчи ва муҳандислар, фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари, ўқитувчи ва шифокорлар, азму шижоатли ёшларимиз, бир сўз билан айтганда, вилоятнинг кўп миллатли, меҳнатқаш ва бағрикенг халқидир, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўз юртига меҳр ва садоқат билан яшаётган бу элнинг муносиб фарзанд-

лари, уларнинг фидокорона меҳнати давлатимиз, жамиятимиз томонидан юксак баҳолаб келинаётгани сизларга яхши аён, албатта. Фақат кейинги уч йилда Тошкент вилояти бўйича 100 нафарга яқин ана шундай инсонлар Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлангани мисолида бунинг яққол далилини кўриш мумкин.

Барчамизга маълумки, Тошкент вилояти — оддий вилоят эмас, у, авваламбор, пойтахт вилояти сифатида мамлакатимизда етакчи мақоми эгаллаб келади. Қайси соҳа ёки тармоқни олмайлик, бу замин катта имконият ва ресурсларга бой эканини кўраемиз. Шунинг учун ҳам Тошкент вилоятини мамлакатимиз ҳаётида янада юқори ўринга кўтариш, бу ерда яшаётган 2 миллион 770 мингдан зиёд аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини муносиб даражада таъминлаш, айтиш керакки, бугун ҳам, эртага ҳам, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифамиз бўлиб қолади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкент вилоятида ҳали-бери ечимланган кўпгина муаммолар, қанча-қанча муҳим вазифалар олдимизда тургани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳождати йўқ, деди Ислон Каримов.

Бу воҳадаги ер ости ва ер усти бойликларидан тўла ва оқилона фойдаланиш, уларни, аввало, шу гузал, бетакрор заминда яшаётган одамлар, бутун халқимиз манфаатлари йўлида ишлаб, фаолиятимизни бугун замон талаб қилаётган даражада ташкил қилиш, вилоятнинг узок ва давомли режаларини амалга ошириш учун бу йўлда учрайдиган турли қийинчиликларни олдидан кўриб, уларни бартараф этишга тайёр бўлишимиз зарур.

Бир сўз билан айтганда, нафақат бугунги, балки эртанги кун ҳақида бош қотириш, халқимизни, жамоатчиликни айтиш шунга мақсадларга сафарбар этиш барчамизнинг, биринчи навбатда, ўзини раҳбар деган, одамлар унга ишонч билдирган шахсларнинг асосий буричи, десам, ўйлайманки, ҳаммамиз бу фикрга қўшилмасиз, деди Президентимиз.

Сизларга яхши маълум, яқинда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизнинг 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг асосий устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда ўтган йилда эришган натижаларимиз атрофлича муҳокама қилиниб, жорий йил ва истиқболга мўлжалланган энг муҳим вазифаларимиз аниқлаб олинди. Хусусан, 2030 йилгача мамлакатимизда ялпи ички

маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириб, унинг таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказишни биз ўзимиз учун стратегик вазифа сифатида белгилаб олдик, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бундай улкан ва ўта масъулиятли вазифаларни амалга ошириш ҳақида сўз юритар эканмиз, шу борада ҳаётимизни ҳар томонлама янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган дастурларни жорий этиш учун қай даражада етарли замин яратганимиз, жумладан, 2015 йилда Тошкент вилоятида эришган марраларимиз ҳақида тўхталиб ўтсак, ўринли бўлади.

Бу ҳақда сўз борар экан, аввало, ўтган йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 6,7 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 7 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаси 13 фоиздан зиёд ўсгани, экспорт бўйича прогноз кўрсаткичи бажарилганини таъкидлаш лозим.

Тошкент вилоятининг саноат соҳасидаги салоҳиятини изчил ривожлантириш дастурига асосан кейинги уч йилда 1 минг 50 та лойиҳа амалга оширилди. Шу аснода 2 триллион 700 миллиард сўм ва 532 миллион доллар миқдорда инвестициялар ўзлаштирилиб, 30 мингга яқин янги иш ўрни яратилгани биз учун айнқиса муҳимдир. Шулар қаторида Тошкент иссиқлик электр станциясида 370 мегаватт энергия ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган, табиий газни икки баробар кам сарфлайдиган буғ-газ қурилмаси барпо этилганини қайд этиш зарур.

Бу ишларимизнинг давомий сифатида ҳозирги вақтда тоғ-кон саноати, кимё ва нефть-кимё саноатида қиймати 2 миллиард 558 миллион долларлик 26 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шунингдек, Чирчиқ шаҳридаги "Аммофос-Максам" корхонасида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мақсадида умумий қиймати 136 миллион доллардан зиёд 3 та лойиҳани жорий йилда амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Тошкент вилоятида саноат соҳасида эришилган бундай катта ютуқ ва кўрсаткичлар, 2016 йил учун белгиланган режалар барчамизга мамнуният оғзадади, деди Президентимиз.

Мажлисда бугун замон қандай тез ўзгараётгани, илгари дуч келмаган турли-туман муаммо ва қийинчиликлар олдимизда пайдо бўлаётгани бутун мамлакатимиз қатори Тошкент вилоятида ҳам ишимизни янғича ташкил этиб, унинг самарасини тубдан оширишни, эскича ёндашувлардан, ўз умрини ўтаб бўлган иш усулларидан бутунлай воз кечишни талаб этаётгани алоҳида қайд

этилиб, Тошкент вилоятида олиб борилаётган ишларга айтиш шундай танқидий кўз билан қараб, кўпгина йўналишларда ҳали-бери ечимланган муаммолар, камчилик ва нуқсонлар борлиги ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Аввало, вилоятдаги мавжуд 14 та туманининг 7 тасида маҳаллий бюджет харажатлари субвенция, яъни, берилмаётган молиявий ёрдам ҳисобидан қопланаётганга эътибор қаратилди. Кўпол бўлса ҳам айтишга мажбурмиз — бундай кайфиятлар тобора суркулани тус олиб, боқимандаликка айланиб бораётганига қанчонча чидаш мумкин, деб сўрашнинг вақти келмадимми, деди Ислон Каримов.

Мисол учун, Бекобод туманида маҳаллий бюджет умумий харажатларининг 44,1 фоизи, Қўйи Чирчиқ туманида 43,2 фоизи, Оққўрғон туманида 42,2 фоизи, Бўка туманида 42,1 фоизи до-тация ҳисобидан қопланаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Қўйи Чирчиқ, Паркент, Юқори Чирчиқ, Чиноз туманларида саноат ривожига, янги иш ўринларини яратиш масаласига бепарволик билан қаралаётгани ва бу туманларнинг вилоят саноатидаги улуши 1 фоиздан ҳам паст бўлиб қолаётганини изоҳлашнинг ўзи қийин, деди Юртбошимиз.

Шунингдек, вилоят ҳудудидаги 20 та йирик саноат корхонасида ўтган йили ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетган, 2 та корхонада эса маҳсулот ишлаб чиқарилмаган. Лекин маҳаллий раҳбарлар вазиятни ўнглаш ҳақида ўйлаётгани йўқ.

Қурилиш соҳасини оладиган бўлсак, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда, улар кўпичинча белгиланган муддатда ўз эгаларига топширилмапти. Умуман айтганда, бу уйлارни қураётган пудратчи ташкилотларнинг моддий-техник базаси, уларни техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш талабга мутлақо жавоб бермаслиги бундай нохуш ҳолатга сабаб бўлмоқда ва топширилаётган уйлارнинг сифати, одамларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сессияда иқтисодиётимиз тараққиётда муҳим ўрин тутадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига ҳақида сўз юритилар экан, бу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши вилоят бўйича 56 фоиздан юқори экани ижобий натижа сифатида эътироф этилди. Бу мамлакатимиз миқёсидаги кўрсаткич билан деярли баробар бўлиб, меҳнат билан банд аҳолининг 76 фоиздан ортиси ёки 980 минг киши шу соҳада ишлаб даромад топаётгани қайд этилди.

➤(2).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

С.С.АБДУЛЛАЕВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Содиқ Собитович Абдуллаев Тошкент вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 4 феврал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.Т.УСМОНОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Аҳмад Тугилович Усмонов Тошкент вилояти ҳоқими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 4 феврал

Жамоатчилик кенгаши йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг янги таркибдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Жамоатчилик кенгаши раиси И.Мирзаалиев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева, Мудофаа вазири ўринбосари М.Солиев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Ислон Каримов раҳнамолигида миллий армиямиз ва аҳоли ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрдаги қарори билан ташкил этилган Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши миллий армиямиз ва аҳоли ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

➤(2).

Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг куч ва салоҳиятини юзага чиқаришга кенг имконият яратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз ишончини оқлаш учун бор кучимни ишга соламан

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳеч қимдан кам бўлмай, ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб воёга етиши, ақлу заковати, куч ва салоҳияти билан Ватан равнақига, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишга муносиб ҳисса қўшишга қодир инсонлар бўлиб улғайиши учун барча имкониятлар яратилмоқда.

Нуфузли мусобақаларда рингга чиқар эканман, қалбимда чексиз гурур-ифтихор, шукроналик туйғуси жўш уради. Билагимга куч, юрагимга шижоат тўлади. Чунки дунёнинг ҳеч бир мамлакатидега жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёш спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга Ўзбекистондагидек улкан эътибор ва гамжўрлик кўрсатилмас керак!

Юртимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто, энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт мажмуалари барпо этилган. У ерда ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Чемпион бўлишдек эзгу мақсадга интиланган иқтидор эгаси борки, эътибордан четда қолмайди.

➤(4).

Банкнинг молиявий кўмагида

Навоий шаҳрида яқинда иш бошлаган "Кармана пахта тексти" масъулияти чекланган жамиятида ўнга яқин ёшлар меҳнат қилмоқда. "Агробанк"нинг Навоий вилояти филиали молиявий кўмагида фаолиятини йўлга қўйган корхонада кунига 150 погонometr мато ишлаб чиқаришмоқда. Келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида матога ранг бериш ишларини ҳам шу ернинг ўзидега амалга ошириш режалаштирилган.

ЎЗА фотомухбири Сирож АСЛОНОВ олган сурат.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

№(1).

Бундай ижобий натижаларни тан олган ҳолда, бу ҳудудда кўпчилик вилоятларга тегишли бўлган бир қамчилик тўғрисида айтмасдан Ултоммаймиш, деди Юрбошимиз. Яъни, Тошкент вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши, асосан, савдо-сотик ва қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори бўлиб қолмоқда. Саноат соҳасини оладиган бўлсак, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу тармоқдаги улуши 28,8 фоизни ташкил этмоқда. Ваҳоланки, бу рақам мамлакатимиз миқёсида 38,9 фоизни ташкил этади.

Маълумки, бугунги кунда юртимизда ахборот-коммуникация технологиялари, банк-молия хизматлари, туризм, қурилиш ва транспорт соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини кескин ошириш вазифаси қўйилган ва бу масалага Тошкент вилоятида алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Президентимиз ўз нутқида Тошкент вилоятининг асосий пойтахти Тошкент шаҳри билан ёнма-ён жойлашгани вилоятга катта имкониятлар бериши, айни вақтда алоҳида масъулият ҳам юклаганига эътибор қаратди.

Шуни айтиш жоизки, вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш учун Тошкент шаҳри улкан, ҳар томонлама кулай бозор ҳисобланади. Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, пойтахтнинг аҳолисини озик-овқат маҳсулотлари билан улусқиз таъминлаш борасида вилоят меҳнаткашлари катта ҳисса қўшаётганини таъкидлаш зарур.

Биргина ўтган 2015 йили вилоятда 2 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, 400 минг тонна картошка, 200 минг тоннадан зиёд мева, қариб 170 минг тонна узум етиштирилди. Ўз-ўзидан равшанки, бу рақамлар халқимизни озик-овқат билан таъминлашда, бозорларимизда нарх-наво барқарорлигини сақлашда Тошкент вилоятининг нақадар беқисс ўрин тутаётганидан далolat беради.

Вилоятда сўнгги уч йилда 74 минг гектар ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланди, 4 минг 500 гектар майдонда интенсив боғлар барпо этилди, деҳқончиликка янги техника ва технологиялар, серхосил экан навлари изчил жорий этилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятнинг деҳқон ва фермерларига, барча меҳнатчиларига ўз номидан, халқимиз номидан чукр миннатдорлик билдириб, бу йил ҳам ҳосилингиз мўл бўлисин, омаднингиз берсин, деб эзгу тилакларимни изохр этишга ижозат бераёғиз, деди давлатимиз раҳбари.

Мажлисда бугунги кунда Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги ривожини янги bosқичга кўтариш, пахта майдонлари ҳажмини кайтайтириш ҳисобидан озик-овқат маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, фермер хўжалиқларини оптималлаштириш, қайта ишлаш соҳасидаги мавжуд ресурсларни ишга солиш мўҳим вазифа бўлиб тўғрига ургу берилди.

Айни шу борада, умуман, ички ва ташқи бозоримизда талаб кучли бўлган маҳсулотларни юқори қўшимча қиймат билан ишлаб чиқаришда Тошкент вилоятининг ўрни ва роли, керак бўлса, масъулияти катта эканини, ўйламанки, ҳаммамиз ахши тушунамиз, деди Юрбошимиз.

Хозирги кунда бу соҳада эътиборга молик ишлар қилинмоқда ва бунинг тасдиғини кўпгина мисолларда кўришимиз мумкин. Масалан, Ангрэн махус индустриал зонасида халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган мис кувлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юқори қўшимча қийматга эга бўлган 52 турдаги ана шу маҳсулотлар жаҳоннинг кўпгина давлатларига экспорт қилинаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Бундан ташқари, бу ерда қиймати 214 миллион доллар бўлган, енгил автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун йилга 3 миллион 200 минг дона шина ва 100 минг погон метр конвейер лентаси ишлаб чиқариш бўйича яна бир йирик лойиҳа устида иш олиб бориламоқда. Бу лойиҳани амалга ошириш натижасида мамлакатимизга четдан олиб келинаётган 200 миллион долларлик маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқариш ва шу тариқа катта валютга маблағларини тежаш имконига эга бўламиз.

Сессияда бундай ютуқлар эътироф этилган ҳолда, кўпгина соҳа ва тармоқларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар қониқарли эмаслиги танқид қилинди. Бунинг тасдиғини вилоятда етиштирилаётган мева-сабзавотнинг фа-

қатгина 24 фоизи, гўштининг 27 фоизи, сутнинг эса 20 фоизи қайта ишланаётгани мисолида кўриш мумкин.

Энг ачинарлиси, мева-сабзавот маҳсулотларининг 46 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 39 фоизи, сут маҳсулотларининг 18 фоизи бирламчи қайта ишлаш даражасида сотилаётгани тўғрисида катта миқдорда қўшимча даромад олиш имкониятини бой бермоқдамиз, деди Ислам Каримов. Ҳолбуки, ярим фабрика ҳолида сотиладиган мана шу маҳсулотларни қўшимча қайта ишлаш ҳисобидан оладиган даромадларимизни 2-3 қарра кўпайтириш имконияти мавжуд.

Бунинг учун нима керак? Аввало, тараққий толган давлатлардан энг замонавий технологияларни олиб келиб, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, чиқараётган тайёр маҳсулотларимизнинг сифати ва рақобатдошлигини ошириш керак. Буларнинг барчаси бугунги кунда энг мўҳим ва долзарб вазифаларимиз қаторидан ўрин олиши зарур.

Мажлисда бу масала бўйича қуйидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Такрор айтишга тўғри келади: айни мана шундай катта имкониятларни ишга солиш, экспортни, валюта ҳажмини кўпайтириш, бунинг учун, биринчи навбатда, ташаббус ва яна бир бор ташаббус кўрсатишимиз, тадбиркорлик ва изланувчанлик билан яшашимиз шарт, деди Юрбошимиз. Бу масала, аввало, барча раҳбар ва мутасаддиларга дахлдор эканини яхши англа олишимиз даркор.

Чиндан ҳам, бугунги кунда жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб, шафқатсиз тус олаётган бир пайтда фақат галла ва пахта ҳисобидан ривожланиб бўлмайти ва бундай калта-бинлик билан, узоқни кўрмасдан яшашга бизнинг мутлақо ҳақимиз йўқ.

Фақат хомашё ишлаб чиқариш ва уни бозорда сувтекин нарҳда бошқаларга сотиш билан юрадиган бўлсак, ўзгалар эса бу хомашёни қайта ишлаш ҳисобидан унинг ёғини, қаймоғини оладиган бўлса, бундай йўл фақатгина мутамлакага айланган давлатларнинг қисмати бўлганини яхши биламиз.

Биз ҳам бир вақтлар шундай тақдирни бошимиздан кеңирганимиз, фақат пахта хомашёси етиштиришни, яъни, энг оғир меҳнатни бизнинг бўйнимизга юклаб, пахтадан олинмадиган тайёр маҳсулотнинг фойдасини эса бошқалар кўрганни эсингизга солишни ўғинли, деб билан, деди Ислам Каримов.

Эски тузумдан қолган бундай оғир муаммоларни ҳал қилишнинг йўли битта: "олма пиш, озимга туш" деган қарашлардан бутунлай воз кечишимиз зарур. Бунинг замонавий ўзи бугун бизга уқтиряпти. Содда қилиб айтганда, дунё-қарашимизни, ишга, ҳаётга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистонимизни дунёдаги ривожланган, эркин ва фаровон яшаётган давлатлар қаторига олиб чиқиб учун барча имкониятларга эгамиз. Юртимиз қандай ранг-баранг бойликларга эга бўлса, — бу, минерал хомашёлар бўладими, табиий ресурслар бўладими, иқтисодий ва инсоний салоҳият бўладими — буларнинг ҳаммаси Тошкент вилоятида мўжасам эканини яққол кўриш мумкин. Бу замин шундай бебаҳо бойликларга эгаки, баъзан ўзимиз ҳам бунинг қадрига етмай қолаямиз, десак, бу ҳам ҳақиқатдан узоқ гап эмас, деди Президентимиз.

Ўзингиз айтинг, энг унумдор ер, энг кўп сув манбалари қаерда? Шу ерда, Тошкент воҳасида эмасми? Бу вилоят ер майдонларининг балл бонитети энг юқори бўлган ҳудудларимиздан бири бўлиб, сув ресурсларининг етарли экани, шўрланган ерларнинг дерили йўқлигини кўриб, айтиш керакки, бошқалар бизларга ҳавас қилади, деди давлатимиз раҳбари.

Бундан ташқари, логистика, замонавий коммуникация тармоқлари дейсизми, ҳаво транспорти, автомобил ва темир йўл тизимлари дейсизми, инфратузилма объектлари дейсизми — буларнинг барчаси Тошкент вилоятида мавжуд. Ҳеч шубҳасиз, бундай нобъ имкониятлар ҳақида гапирганда, вилоятда энг катта бойлик, бизга берилган энг катта неъмат — бу заминнинг унумдор ери, десак, ўйламанки, ҳақиқатан айтган бўламиз. Айнан шунинг учун ҳам барчамизни боқадиган ер билан тиллашши, уни асраб-авайлаш, эъозлаш, халқимиз ўртасида кенг тарқалган "Сен ери боқсанг, ер сени боқди" деган ҳикматни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимизни истардим, деб таъкидлади Юрбошимиз.

Минг афсуски, таҳлиллар шуни кўрсатмоқда — вилоятда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги

экинларини жойлаштириш режалари кўпол равишда бузилиб, 2 минг 500 гектар суғорилмадиган майдонларга бошқа экинлар экилган. Бундай ҳолатлар Бекобод, Янгийўл, Қўбрай, Бўстонлик ва Чиноз туманларида мунтазам равишда такрорланиб келган.

Давлатимиз томонидан яратиб берилётган имконият ва шароитларга қарамадан, ўтган йили Тошкент вилоятида пахтачилик бўйича 97 та, галлачилик бўйича эса 149 та фермер хўжалиги шартнома мажбуриятини бажармаган. Ишга ана шундай масъулиятсиз ёндашув тўғрисида Бўка ва Бекобод туманларининг ҳар бирида 1 миллиард 200 миллион сўм, Оқўрғон ва Урта Чирчиқ туманларида эса 500 миллион сўмдан зарар кўрилгани, айниқса, ачинарлидир.

Бу ниманинг исботи? Бундай мисоллар вилоятда ер майдонлари, афсуски, ханузгача ҳақиқий эгасини топмаганидан далolat беради.

Тошкент вилоятида аҳоли зич жойлашган бўлиб, янги иш ўринларига талаб юқори бўлса, пахтачилик ва галлачилик йўналишида мингдан ортиқ фермер хўжалигига 100-120 гектарлаб ер ажратиб берилган. Шунинг учун бу масалада тартиб ва адолат ўрнатиш мақсадидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида хозирги вақтда фермер хўжалиқларининг ер майдонлари оптималлаштирилиб, 3 минг 146 та янги фермер хўжалиги ва 27 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

Биз бутун иқтисодиёт соҳасида кўлга киритган ютуқлар билан бирга, кўзга яққол ташланаётган камчилик ва муаммоларга ҳам тўхталдик, деб фикрини давом эттирди Президентимиз. Айни вақтда ижтимоий тармоқлар бўйича ҳам — бу транспорт, коммунал ва маиший хизмат сифатини ошириш бўладими, тиббиёт соҳаси бўладими, аҳолини иш билан таъминлаш, унинг қўндалик эҳтиёж ва талабларини қондириш бўладими, уй-жой фондидан оқилона фойдаланиш бўладими — бундай мисолларни кўплаб олиб келиш мумкин.

Шулар қаторида бизда энг катта ташвиш ва хавотир йўғотадиган масала — бу вилоятда ишни бугун замон талаб қилаётган даражада ташкил қилишда, фаоллар ва жамоатчилик билан бамаслаҳат иш олиб боришда йўл қўйилаётган жиддий хато ва камчиликлар, энг ачинарлиси, айрим раҳбарлар томонидан ўз мансаб ваколатини суниестемол қилиш ҳолатларидир.

Мен бир фикрни кўп марта айтганман ва уни бугун ҳам такрорлашга мажбурман: қаердаки раҳбарлар ўз зиммасидаги масъулиятини унутса, қаердаки ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, ўша ерда иш орқага кетади, бундан қанча-қанча одамлар зарар кўради, энг ёмон, аҳолининг жойлардаги ҳоқимият идораларига ишонч йўқолади, деди Ислам Каримов.

Ҳар бир раҳбар — у қайси вазифада ишлаши, қайси бўғинни бошқаришидан қатъи назар, аввало,мбор, ўзининг манфаати билан эмас, одамларнинг дарду ташвишлари билан яшаши, уларни қийнаётган муаммоларни ечиш ҳақида чуқурроқ ўйлаш, узоқроқни кўриши ва жамоатчиликни ўз ортидан эргаштириш учун уларнинг ишончини қозониши керак.

Бунинг учун раҳбар вилоятда мавжуд бўлган, ўзининг ечимини қўтиб турган кўпгина муаммоларни, ўзи бошқараётган ҳудуд аҳолисининг ўзига хос ва ўзига мос дарду ташвишларини чуқур ўрганиши, уларни ҳал этиш учун фаоллар ва жамоатчиликни, бутун аҳолини сафарбар этиб, уларни бошқариб, улар билан тиллашши ишлари зарур.

Бу йўлда бутун борлигини, бор билим ва тажрибасини ишга солиши, масъулиятни ўз зиммасига олиб, бошқаларга ўрнат қўлиши лозим. Айни шундай муносабатни, ишни айнан шундай ташкил этишни ҳудудга янги раҳбар этиб тайинланган шахсдан одамлар кўтиши табиий, десам, ўйламанки, ҳаммамиз бу фикрга қўшилсамиз, деди Президентимиз.

Шу нуктаи назардан қараганда, бугунги сессия кун тартибига қўйилган ташкилий масаланинг асосий мақсад-мазмуни ҳам айни шу муаммога қаратилганини тушуниш қийин эмас, деб фикрини давом эттирди давлатимиз раҳбари. Яъни, сўз Тошкент вилоятининг ҳокими бўлиб ишлаб келаётган А.Усмоновнинг фаолияти ва масъулияти ҳақида бормоқда.

Ҳаммамизга маълум, 2013 йилда барчамиз катта ишонч билдириб, Тошкент вилояти ҳокими вазифасига А.Усмоновни тасдиқлаган эдик.

Бу шахсни танлаш ва бу юксак лавозимга тайинлашда, аввало,мбор, унинг олдинги иш фаолияти, кўпгина масъулият вазифаларда хизмат қилгани, биринчи навбатда, Андижон вилоятида кўп йил биринчи раҳбар бўлиб ишлаган даврида — бу ҳам ҳақиқат — ушбу вилоятни

ривожлантиришда, вилоят аҳолининг катта ютуқ ва марраларни кўлга киритишида анча тажриба орттириб, ўзи ҳам бунга ҳисса қўшгани инобатга олинган эди.

У Андижон вилоятида раҳбарлик қилган пайтда ишни ташкил қилишда — албатта, ҳар қайси ҳудуднинг ўзига яраша қийинчилик ва муаммолари бор — бу ерда кўпгина масалаларни ечиш учун замин тўғдирилган эди. Қурилиш ва ободончилик соҳаси бўладими, қишлоқ хўжалигини бошқариш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўладими, Андижон вилояти мамлакатимизда кўзга кўринган ўринни эгаллагани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг негизида, аввало, март ва матонатли Андижон қалқининг меҳнати муҳасам эканини ҳаммамиз яхши биламиз, деди Ислам Каримов.

Айтиш керакки, Тошкент вилоятида иш бошлаб, дастлабки пайтда А.Усмоновнинг фаолиятида вилоят олдида турган вазифаларни амалга ошириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун бирмунча ҳаракатлар кўзга ташланди. Лекин, минг афсуски, ҳаёт шундай мураккаб бир ҳолатларни олдимизга қўяди. Яъни, одамнинг, юқори лавозимга тавсия этилаётган шахсларнинг ички дунёсини, уларнинг асл инсоний фаилатларга эга бўлишини аниқлаш ўта оғир ва мураккаб вазифа, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундай шахсларнинг йиғини нақадар бутун, иродаси нечоғлик бақувватлиги асосан улар амалга ўтирганлидан кейин билиниб қолишини, бундай синовда улар барибир ўзини йўқотиб қўйишини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб беради. Бу бундай шахсларнинг оёғи ердан узулиши, гердунёсига кетиши шу даражага етиб борадики, улар учун гўё амал — лавозим ўзига умрбод мерос қилиб берилганлик бўлиб туюлади.

Мана, бугун бу аччиқ ҳақиқатнинг тасдиғини А.Усмонов мисолида кўриб турибмиз, деб таъкидлади Президентимиз.

Вақт ўтиши билан бу инсоннинг ишга қарши ва одамларга муносабатиде манманлик, ўзига бино қўйиш, ён-атрофдагилардан ўзини юқори тутиш, кўполлик, кўп остида ишлаётганларни менсимаслик, уларнинг фикри билан ҳисоблашмаслик каби ҳолатлар "иш услуби"га айланиб қолди. Энг ёмони, бундай муносабатлар биринчи раҳбар билан вилоят фаоллари ўртасида катта жардек тушунмовчилик пайдо бўлишига олиб келди.

Ўзингиз айтинг, вилоят раҳбари томонидан ўзи билан бирга ишлайдиган етакчи ва мутахассисларни кўллаб-қувватлаш, руҳини кўтариш ўрнига, уларнинг шахсига тегиш, кўпгинаги қўтириш ўзаро ҳурматга олиб келиши мумкинми, деди Юрбошимиз.

Шу борада бир ҳақиқатни яна бир бор айтишга тўғри келади: оддий одамларимиз, халқимиз ҳамма нарсани қузатиб туради, ён-атрофда юз бераётган воқеалардан хабардор бўлиб, ҳар қандай раҳбарнинг ҳам ишга, албатта, ўз баҳосини бериши мўқаррор. Агарки, кимдир хомхаёнда юриб, бошқача фикрлайдиган бўлса, катта хатога йўл қўяди. Шундай ўйлайдиган одам вақти келганда чексиз надомат ва пшаймонликда қолиш турган гап.

А.Усмоновнинг иш фаолиятидаги номақбул хусусиятлар ҳақида, ўз масъулиятини ошириш зарурлиги ҳақида унга кўп бор айтилиб, субхатлар ўтказилган бўлса-да, лекин оёғи ердан узулиб қолгани учун бу гаплардан у тегишли хулоса чиқариб олмади ва бу, ўз навбатида, унинг вилоят фаоллари ва жамоатчилиги ўртасида оёғи-эътиборини йўқотишига олиб келди.

Табиийки, бундай ҳолат вилоятда ишни ташкил қилишда жиддий хатоларга сабаб бўлди.

Сессияда А.Усмонов кадрларни танлаш ва лавозимга қўйишда гаразли мақсад билан иш қўриб, асосан ўзига шахсий садоқатда бўлган, лекин зарур билим ва тажрибага, маънавий фаилатларга эга бўлмаган шахсларни турли раҳбарлик вазифаларига тайинлагани, Тошкент вилоятининг ўзида юқори малакали кадрлар етарли бўлишига қарамадан, баъзи бир лавозимларга ўзининг таниш-билишларини олиб келиш унинг олдига айланиб қолгани қайд этиб ўтилди.

Масалан, Тошкент вилояти ҳокимлигининг ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи лавозимига А.Ҳамдамов, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врач вазифасига Б.Қораев тайинланган. Шунингдек, у вилоят ҳокимлигининг ишлар бошқарувчисига вазифасига, капитал қурилиш ва коммунал хўжалик масалалари бўйича котибият мудири лавозимига, ҳуқуқ-тартиб, сафарбарлик ва факултета ҳолатлар бўйича тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи гуруҳ бошлиғи вазифасига, "Ягона бюрютмачи хизмати" инжи-

нинг компаниясининг бош муҳандиси лавозимга ўзига яқин одамларни ишга қўйган.

Ўз шахсий манфаатини кўзлайдиган бу шахслар амалдаги қонунчиликни бузиб, мансабни суниестемол қилиш билан боғлиқ турли жиноятларни содир этишган. Ўз вақтида қўрилган чоралар тўғрисида уларнинг айримлари (А.Темиров, А.Сатторов, О.Маҳмудов) жиноий жавобгарликка тортилган, айримлари (А.Эржигитов, А.Ҳамдамов, Б.Қораев, С.Самадов) ишдан бўшатилган.

А.Усмоновнинг яқин ҳамтовоклари бўлган бир гуруҳ шахслар, жумладан, вилоят ҳокимининг ёрдамчиси А.Умаров, вилоят ҳокимлигининг собиқ ишлар бошқарувчиси М.Икромов, вилоят "Ягона бюрютмачи хизмати" инжиниринг компанияси бош муҳандиси Ш.Ҳўжамқулов, "Руббер траст шосс" масъулияти чекланган жамяти раҳбари А.Исмомов порахўрликда айбланиб, уларга нисбатан прокуратура органлари томонидан жиноий иш қўзғатилган.

Мажлисда А.Усмоновнинг бундай раҳбарлик "услуби" вилоятни бошқаришда кўпгина янги-янги муаммоларни тўғдириб, вилоят олдида турган мўҳим вазифаларнинг бажарилмай қолишига, энг ёмони, вилоят фаоллари ўртасида қарама-қаршилик, низо ва зиддиятлар пайдо бўлишига, муҳитнинг бузилишига олиб келгани таъкидланди.

Президентимиз раҳбарнинг бугунги кундаги ўрни ва масъулияти, раҳбарлик инсондан қандай фазилат ва хусусиятларни талаб қилиши ҳақида атрофчиқа тўхталиб, жумладан, қуйидагиларни баён этди.

Қандай оғир бўлмасин, бу гапларни айтишдан мақсад шуки, сиз, ҳурматли депутатлар ва фаоллар билан ўртасида ҳеч қандай сир бўлмаслиги, ҳақиқатни очик айтишимиз керак, деди Юрбошимиз. Ҳага деганда, энг катта куч — бу ҳақиқатдир. Ҳақиқатга суняган одам ҳеч қачон пшаймон бўлмайди.

Бугун биз раҳбарлик, етакчилик вазифаси нақадар масъулияти эканига, бунга ҳар кимнинг ҳам қурби етмаслигига, бу иш инсондан, аввало,мбор, мустаҳкам ирода ва иймон-этиқод талаб қилишига яна бир бор гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шу ўринда илгари ҳам айтган бир фикримни такрорлашни зарур деб биламан: раҳбарга лавозимни, обрўни эл-юрт беради, лекин унга ишончи топширилган лавозимини унинг ўзи йўқотади. Бу оддий, шу билан бирга, ҳар бир раҳбар учун олий ҳақиқатдир, деди давлатимиз раҳбари.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А.Усмонов Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тавсиясига кўра, Зангиота тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Содик Абдуллаев Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Тошкент вилояти пойтахт вилоят сифатида доимо мамлакатимизнинг энг етакчи, салоҳиятли улкан вилояти, таъбир жоиз бўлса, таянч тоғларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Ишончим комил, ҳаёт синовларида тобланган, меҳнаткаш, мард ва олижаноб Тошкент воҳаси аҳли янги раҳбар атрофида жипслашиб, вилоят олдида турган катта вазифаларни ҳал этишда ҳар томонлама ўзини кўрсатади ва эзгу мақсадларига, албатта, етади, деди Президентимиз ўз нутқининг якунида.

Сессияда сўзга чиққан "Нуроний" жамғармаси Паркент тумани бўлими раиси Ориф Пиримов, Бўка туманидаги "Ёкўтхон-Саид" фермер хўжалиги раҳбари Саидислом Саидуллаев, Ўзбекистон давлат жамидоний тарбия институти талабаси, бокс бўйича жаҳон чемпионати совриндори Баҳодир Жалолов, Зангиота туманидаги "Назарбек" қишлоқ врачлик пункти мудири Мақсуда Барисова ва бошқалар Президентимизнинг нутқида Тошкент вилоятида кейинги йилларда кўлга киритилган ютуқ ва натижалар билан бирга, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишни замон талаблари асосида ташкил этиш, мавжуд имконият ва ресурслардан самарали фойдаланиш борасида йўл қўйилган жиддий камчилик ва муаммолар ҳар томонлама таҳлил этилиб, уларни ҳал этиш йўллари, вилоят аҳли олдида турган долзарб вазифалар аниқ қўрсатиб берилгани, ана шу танқидий фикрлар, амалий кўрсатмалар асосида ишни ташкил этиб, ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиш ва қўзланган марраларга эришиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

ЎЗА

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Қорақалпоғистон Республикаси мудофаа ишлари бошқармаси йигини пунктда Президентимизнинг 2015 йил 23 декабргаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мuddатли ҳарбий хизматта наvbатдаги қақирвун ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бuшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, мuddатли ҳарбий хизматга қақирлган йигитларнинг дастлабки гуруҳини тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Ўғлимга ишонаман

Ҳарбий хизматчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, қақирлувчиларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда Шимолий-ғарбий ҳарбий округи қўмондонининг биринчи ўринбосари И.Кучаров, "Нуроний" жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи Ш.Усандинов ва бошқалар Президентимиз раҳнаомлигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида аналг оширилаётган түб ислохотлар самарасида унинг сафларига хизмат қилиш учун ҳар томонлама соғлом, интеллектуал салоҳиятли ёшлар сараланиб, энг муносиблар танлаб олинмаётганини таъкидлади.

Кўнгрот туманидан мuddатли ҳарбий хизматга қақирлган Темур Собуров спортнинг бокс тури билан мунтазам шуғулланади. У бир неча бор Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида ўтказилган мусобақалар совриндори. Ўтган йили Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат универси-

тети қошидаги 1-академик лицейни тамомлади. Ешлигидан ҳарбий бўлишини орзу қилган Темур мuddатли ҳарбий хизматга ўтказилган тест синовларидан муваффақиятли ўтди.

Раёсат йиғилишлари



Вазифалар белгилаб олинди

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни кенгаш раиси З.Худойбердиев олиб борди.

Йиғилишда тармоқ касабаси уюшмасининг ўтган йилги фаолияти яқинлари ва жорий йилдаги устувор йўналишлари ҳамда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг VII Курултойи қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларга кенг тўхталиб ўтилди.

Эътироф этилганидек, ижтимоий шериклик йўналишида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, тармоқ Республика кенгаши томонидан Савдо-саноат палатаси, "Ўзбекчармпой-абзали", "Хунарманд", "Узулгужисавдоинвест" уюшмалари, Ўзбекистон кўзи ожизлар ҳамда қарлар жамияти, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси каби ташкилотлар билан ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат муносабатларига оид 2015 — 2017 йилларга мўлжалланган тармоқ келишувлари имзоланди. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурини белгиланган чора-тадбирлар асосида тармоқ корхона ва ташкилотлар дастурлари қабул қилиниб, ижроси таъминланди. Жамоа шартномалари орқали кексаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, санаторийларда бепул соғломлаштириш, моддий ёрдам кўрсатиш, юбилей саналари муносабати билан тақдирлаш каби қўриқиларда ижтимоий кўмаклар кўрсатилди.

Бандлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Йил давомида 145 та тармоқ корхоналарида яратилган 1204 та янги иш ўринларининг ҳаққонийлиги ўрганилди. Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг иш жойларида қўриқиларини ўрганиш бўйича ҳар чоракда мониторинг олиб борилди. Ҳамкор ташкилотлар билан бирга 51 та тармоқ касб-хунар коллежларида давра суҳбати ва семинарлар ўтказилди.

Давр руҳига ҳамоҳанг

Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Раёсат йиғилишида тармоқ касабаси уюшмаси ташкилотлари томонидан 2015 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби ҳамда жорий йилдаги устувор вазифалар атрофида таҳлил этилди. Йиғилишни Республика кенгаши раиси Фарҳод Омонов олиб борди.

Таъкидландики, жамоат ташкилоти учун энг устувор вазифа — меҳнат аҳлини ижтимоий-иқтисодий ҳақда ҳуқуқий ҳимоялаш сезиларли даражада яхшиланди. Ижтимоий шериклик тамойили доирасида Бош келишув талабларидан келиб чиққан ҳолда тармоқ тизимидаги вазирлик, идора, уюшма ва компаниялар билан янги 2016-2018 йилларга мўлжаллаб тузилган 12 та тармоқ келишувлари экспертизадан ўтказилиб, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигиндан рўйхатдан ўтказилган ҳолда жойларга тарқатилди. Фермер хўжалиқлари бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотлари учун жамоа шартномаси макети ишлаб чиқилиб, ҳар бир бошланғичга etkazилди.

Айни вақтда тасарруфда 5564 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларга 1 миллион 767 минг нафардан зиёд аъзо бирлашган. Тармоқ касабаси уюшмаси тизимидаги корхона ва ташкилотларда ўтган йили жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кексаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, коммунал хизмат тўловларини қисман қоплаб бериш, уй-жойларини таъмирлаш ва бошқа қўриқиларда 1400 та корхонада 22 минг 964 нафар кексаларга 289 млн. 173 минг сўмлик маблағ сарфланди. 339 та корхонада 460 нафар меҳнат фахрийлари касабаси уюшмаси санаторийларида бепул соғломлаштирилди. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳамда касаначиликни йўлга қўйиш ҳам доимий эътиборда бўлди. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 42 минг 641 корхонада 93 минг 415 нафар касб-хунар коллежи битирувчилари бандлиги таъминланди. 1419 та корхонада эса касаначилик ҳаракати йўлга қўйилиб, 11 минг 400 нафар касаначилар билан меҳнат шартномаси тузилди. Шулардан 10,982 нафари касабаси уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Меҳнат муҳофазасига эътибор кучайтирилди. Соғлом ва хавфсиз меҳнат шартларини

либ, меҳнат шартномаларининг аҳамияти, расмий меҳнат ва касабаси уюшмасига аъзо бўлиш афзалликлари тушунтирилди. Бош келишув асосида тармоқ Республика кенгашининг норасмий бандликни чеклаш бўйича 2015 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури қабул қилинган эди. Унга мувофиқ тегишли соҳаларда норасмий меҳнат билан банд аҳоли сонни анкиланиб, таригот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Натижада, корхоналарда норасмий ишлаётган 1700 нафардан зиёд ходимлар учун меҳнат дафтarchалари расмийлаштирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги 900 дан зиёд корхоналарда прокуратура, банк, савдо-саноат палатаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари вакиллари билан биргаликда учрашувлар ўтказилди.

Меҳнат муҳофазаси борасидаги тизимли ишлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, "Ўзбекчилсанот" АК ва "Ўзом-муниҳизмат" агентлигига қарашли корхона ва муассасалар билан ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича кўшма тадбирлар тасдиқланиб, амалга ошириб келингани ўз натижасини берганлиги қайд этилди.

Хисобот даврида касабаси уюшмаси кадрлари ва фаолларининг билим ва малакасини ошириш мақсадида ҳудудий кенгашларда ўқувлар уюштирилди. Деярли барча ҳудудларда тармоқ туман кенгашлари, бошланғич касабаси уюшмаси кўмиталари раислари учун тизим фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ўқув-семинарлар ўтказилди. Уларда 920 нафардан зиёд касабаси уюшма фаоллари қатнашди.

Йиғилишда эришилган натижалар қатори тизимда мажҳуд камчиликлар ҳам таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш ҳамда жорий йилдаги фаолиятнинг устувор йўналишлари юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Қўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз
Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

Сарҳисоб

Кексалари эъзоз топган юрт

Сирдарё вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгашида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг ижросига оид йиғилиш ўтказилди. Унда бирлашма кенгаши ходимлари, тармоқ Республика кенгашларининг вилоятдаги масъул ташкилотчилари, тармоқ касабаси уюшмалари туман ва шаҳар кенгашлари раислари иштирок этишди.

Бирлашма кенгаши раиси Камолитдин Оқбўтаев мавзу юзасидан сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон омилига, унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, 1997 йилдан бундан амалиётга татбиқ этиб келинаётган ижтимоий йўналишлар билан Давлат дастурлари натижасида халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор ютуқларга эришилётганига эътиборни қаратди.

Жумладан, ўтган йили кекса авлодга эътиром кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар янада юксак босқичга кўтарилди. Бу борада вилоят касабаси уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Авваламбор, уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуглар, биринчи навбатда, ёлғиз қария ва ногиронларга ижтимоий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, меҳнат ва кўрсатиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилди. Хотира ва кадрлар кўни муносабати билан 56 нафар уруш қатнашчиларига манзилли ёрдам берилди. 420 та корхонада 757 нафар кексага ижтимоий ёрдамлар уюш-

тирилди. Уй-жойни таъмирлаш, коммунал хизматларга ҳақ тўлаш борасида кўмаклашилди. Ёши улуг инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли соғломлаштиришни таъмин қилиш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан таъминлаш, кексаларни ихтисослаштирилган санаторий-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларига кўпроқ жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Уруш ва меҳнат фронти фахрийларини касабаси уюшмаси тизимидаги санаторийларда давлат бюджет ҳисобидан бепул соғломлаштиришни ташкил этиш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилиб, 50 нафар ишловчи кекса бепул соғломлаштирилди. Ишлаётган ходимларнинг 163 нафар пенсиясиз ота-онаси касабаси уюшма бюджетини маблағи ҳисобидан имтиёзли асосда дам олдирилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасидан олинган рўйхат асосида 30 нафар кекса ва ногиронларга ногиронлик аравачаларни топиш-рилди. 15 нафар кексага эшитиш аппарати, глюкометр (тест полоскаси) ва

танометр тақдим этилди. Мамлакатимиз мудофаа қўлияти, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамиятимиздаги барқарорлиқни мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшган, баркамол авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган кекса авлод вакилларига муносиб эътибор қаратиш, болалар ва ёшларни ота-оналар ва нурунийларни эъзозлаш ва гамхўрлик кўрсатиш руҳида тарбиялаш бўйича кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, жамоа шартномалари орқали 328 та корхонада 446 нафар пенсия ёшидаги ва пенсияга чиқши арафасидаги шахсларга, 808 та корхонада 1470 нафар ишламайдиган пенсиясиз юбилей саналари ҳамда пенсияга чиқши муносабати билан қимматбаҳо совғалар ва моддий ёрдам кўрсатилди. Маҳаллаларда ўтказилган "Кексалар досини олайлик" акциясида касабаси уюшмалари фаол иштирок этиб, ёлғиз ва кексалар яшаётган эҳтиёжманд оилалардан 190 нафарига электр маиший техника жиҳозлари бепул берилди.

Худудлардаги меҳнат жамоаларида ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбияси кўмаклашиш, уларда миллий гуруҳ ҳиссини шакллантириш мақсадида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида "Сиз доим эъзоздасиз", "Қариси бор уйнинг париси бор", "Кексаларни ардоқлаш юрт", "Фахрийлар — фахримиз", "Касбим — фахрим" мавзуларида маънавий-маърифий давра суҳ-

батлари ва учрашувлар ташкил этилди. Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига қарашли муассасаларда "Фахрийлар кенгаши" фаолияти йўлга қўйилди. Меҳнат жамоаларида мазкур кенгаш аъзолари билан учрашувлар ўтказилди.

Тури байрамлар муносабати билан касабаси уюшмалари томонидан кекса отахон ва онахонларнинг маданий ҳордиғини таъминлаш мақсадида театрларга таширф ҳамда эл севган санъаткорлар билан мулоқотлар уюштирилди. Меҳнат жамоаларида фахрийлар ўртасида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, бадминтон турлари бўйича мусобақалар ҳамда Хотира тунирилари ўтказилиб, голиблар касабаси уюшмалари томонидан тақдирланди.

Касабаси уюшмаларининг "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" акцияси доирасида Тошкент, Самарқанд, Урганч, Хива шаҳарларида кексаларнинг саёҳатлари уюштирилди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ховос туманидаги «Гулбоҳор» қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи касабаси уюшмаси раиси Аваз Худойбердиев, Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси Фарҳод Таштанов ва бошқалар меҳнат жамоаларида кексаларни эъзозлаш борасида олиб борилган ишлар ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутишини таъкидлашди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

Ўқув-семинар

Меъёрий ҳужжатлар — асос

Андижон педагогика коллежида таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси шаҳар кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятини устувор талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида таъкил этиш ҳамда ишни режалаштириш мавзусига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.

Унда ўтган йил давомида тизимда олиб борилган ишлар ҳамда Соғлом она ва бола йилдаги устувор вазифалар хусусида сўз борди. Ташкилот ва муассасаларда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари ҳамда бугунги кунда амалда бўлган меъёрий ҳужжатларга илҳом қилиш, ишчи-ҳодимларнинг жамоа шартномаси ва унинг мазмун-моҳиятидан хабардорлигини ошириш, меҳнат муҳофазаси, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш тартиби борасида атрофлича фикр юритилди.

— Давра суҳбати ҳамда семинарларда фаолларни тизимда юз берган янгиликлар билан мунтазам таништириш бориш ҳамда ҳуқуқий билимларини оширишга интиляимиз, — дейди тармоқ касабаси уюшмаси шаҳар кенгаши раиси Насибхон Тўрақуллова. — Бу куйи бўғинларда ходимларга яратилган шартнолар яхшилланишига хизмат қилмоқда. Иштирокчилар бирлашма мутахассисларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Нурилло НЎМООНОВ,
"Ishonch" мухбири

Жамоатчилик қабулхонаси

Самарқанд вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан ҳар ойнинг охириги шанбаси тармоқ кенгашларининг худудлардаги қабул кўни этиб белгилаб қўйилди.

Мурожаатлар ҳал этилмоқда

— Жамоат ташкилоти тармоқларининг қабулхонаси тўғрисида босилган эълон орқали билдирилди, — дейди иштирокчи Шероз Жиянов. — Анча вақтдан бундан кўнглимга тугиб юрган фикрларини уларга очиб беришга ҳақим. Кекса онам ҳам алмаштириб туриши лозим. Бу масала ечими эса... Касабаси уюшмалари жавоб бундан оиламизни мамнун қилди. Ташкилотда жорий этилган тартибга мувофиқ ўзим ишлаётган корхона бошланғич касабаси уюшмаси ташкилоти орқали онамни сўхатдоқ-да дам олдирадиган бўлдим. Жамоатчилик қабулхонаси меҳнаткашларни қийнаб келаятган муаммоларни тегишли тартибда ўз жойида ҳал этаётгани бир қатор овозгарчиликларга барҳам беришга хизмат қилмоқда. 2015 йил декабр ойи охирида бўлиб ўтган қабул таҳлилига кўра, таълим тизими ходимларидан 89 та, агрораноат мажмуаларидан 38 та, давлат муассасалари, соғлиқни сақлаш ва бошқа тармоқ ташкилотлари томонидан 41 та мурожаат қаноатлантирилган. Энг муҳим жиҳат, жамоат-

чилик қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар ойма-ой таҳлил этиб борилаётди. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш лозим, қайд этилганларнинг аксари сўхатдоқ йўлланмаси, моддий ёрдам, иш ҳақи, рағбатлантириш, касабаси уюшмалари аъзолигини қабул қилиш, меҳнат шартномаларининг бекор қилиниши, нафақанига чиқши ва бошқа бир қатор масалалардан иборат.

Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти самарасини шундан ҳам билса бўладики, кейинги тўрт ойда бирлашма кенгашига келаятган эъза ва оғзаки мурожаатлар икки баробарга кўсарилди.

Азамат БОЛИБОВ,
Самарқанд вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмасининг етакчи юристконсулти

Мулоқот

Қонун лойиҳаси муҳокамаси

Тошкент вилоятидаги «Ботаника санаторийси» масъулияти чекланган жамиятида Тошкент вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва O'zLiDeP вилоят кенгаши, Халқ депутатлари вилоят кенгаши O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб йиғилиш ўтказилди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди. Амалий мулоқотда ҳамкор ташкилотлар ва Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутатлари томонидан билдирилган тақлиф ва тавсиялар партиясини Сийёсат Кенгаш Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиясини фракциясига белгиланган тартибда қўриб чиқши учун юборилди.

Севара ЭШОНҚУЛОВА,
«Ботаника санаторийси» МЧЖ кутубхоначиси

Реклама ва эълонлар

«IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖ
сизларни 2016 йил 9 март кўни соат 11:00 да бошланғич баҳоси босқичи-босқичи олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади

Аукцион савдосига «Наманган юк авто» ДУКнинг бурвортисига асосан «Наманган юк авто» ДУКга тегишли «Наманган шаҳар Ўзбекистон кўчаси 5-уйда саклаб» 2013 йилда и/ч, «ГБ СПГ Нексия SONG GL» русумли д/в 6 50 657 ТТА бўлган автотранспорт воситаси — 21 269 000 сўм, д/в 6 50 658 ТТА бўлган автотранспорт воситаси — 20 425 000 сўм, д/в 50 670 ТТА бўлган автотранспорт воситаси — 21 805 000 сўм босқичи баҳода қўйилмоқда. Мазкур автотранспорт воситалари 2016 йил 9 март кўни соат 11:00 да тақдирда, 2016 йил 16-, 23-, 30 март, 6-, 13-, 20 апрел кўнлари соат 11:00да ўтказиладиган аукцион савдосига тақридан киритилади.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлардан арзларини мазкур эълон эълон қилиб, савдо баҳоси бошқача кўни (дам олиш кўнларидан ташқари) соат 10:00дан 17:00 га қадар қўйида кўрсатилган манзилда қабул қилиниши ва 2016 йил 7 март (тақрибий савдолар учун мс равишда 15-, 22-, 29 март ва 5-, 12-, 19 апрел кўнлари) кўни соат 11:00да тўхта-тилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган «Савдо тақлиф тўғрисида» келишувига асосан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги (ижро ҳужжати билан рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда) савдо тақлифни «IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖнинг АИТБ «Илак йўли» Наманган вилоят филиали, МФО: 01054, ИНН: 302948717, 202080000332835001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қўйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун арза, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусخасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, савдо тақлиф тўғрисидаги ҳақда тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнаша, уриштирилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Истеъроф қилинма хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинмади.

Қўшимча маълумот олиш ва савдо ўтказиш маъноси:
Савдо ташкилотчиси: «IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖ.
Манзил: Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси, 14-уй (Наманган вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси босқичининг 1-қавати, 2-қоша). Телефон: (0 369) 227-19-07, (+99890) 642-85-05. E-mail: info@autosavdo.uz. E-mail: info@autosavdo.uz. Гувоҳнома: № 07183.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши жамоалари Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Абдухамид Юлдашевга онаси **ТОЖИ** онанинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Президентимиз ишончини оқлаш учун бор кучимни ишга соламан

«1».

Таълим тизимидаги уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада ўйинлари миллионлаб спортсевар ёшларни бирлаштириш, уларнинг сеvimли мусобақасига айланиши баробарида халқаро спорт ареналарида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқармоқда.

...Отам ёшлигида катта курашчи бўлган. Қаерда кураш бўлса, даврага чиққан. Лекин у пайтлар спорт билан шуғулланишга бугунгидай шароит бўлмаган, шу боис отамнинг дунё спорт майдонларида чиқиш орузи ушалмай қолиб кетган. Мен ҳам болалигимдан спорт билан мунтазам шуғулландим, ўзимни чиниктириб юрдим. Мақсадим — отамнинг орузсини амалга ошириш эди.

Ун уч ёшимда отам мени Чирчиқ олимпия захиралари коллежига олиб борди. У ерда мураббийларим Рустам Саидов ва Тўлқин Қиличевдан бокс сирларини ўргандим. 2014 йили Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилдим.

Мураббийим Тўлқин ака рингга чиқаётганимда ҳар доим Президентимизнинг гапларини ёдимга солади: биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз! Бу сўзлар ўз кучимга ишонч, юрагимга далда бағишлайди. Ўзбек спортчилари муваффақиятларининг сирини мана шунда! Чунки спортда билаги зўр эмас, руҳи кучли, ақли ва қўрқмас спортчилар кўпроқ галаба қозонади.

Тинимсиз машғулотлар, устозларимнинг ишончи, спортчилар учун яратилган шароит ва имкониятлар самарасида Германия, Болгария, Беларусь, Озарбайжон сингари давлатларда ўтган халқаро турнирларда шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдим. Россияда ўтган халқаро мусобақада мезбон спортчини бир зарбада нокаутга учратдим.

2015 йили Катарнинг Доха шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати мен учун омадли бўлди. Вазни 91 килограмдан оғир бўлган боксчилар баҳсида бронза медални кўлга киритдим. Ҳозир шу йилнинг март ойида Хитойда ўтказилган Олимпиадага йўлланма берувчи нуфузли мусобақага қизгин тайёргарлик кўряпман.

Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мени бағрига босиб, Олимпия ўйинларида чемпион бўлишимга ишонч билдирди. Чемпион бўлишим шарт. Чунки Президентимизнинг ишончи менга далда бўлади! Бу ишончини оқлаш учун бор куч ва имкониятими ишга соламан!

Баҳодир ЖАЛОЛОВ, бокс бўйича жаҳон чемпионати совриндори, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси. Ўза

Соғлом муҳит — соғлом оила

Кўтаринки руҳда

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жондор туман кенгаши томонидан бошланғич ташкилотларда "Соғлом оила" шiori остида спорт мусобақаларининг 1-босқичини ўтказиш мақсадида пухта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Ишчи гуруҳи мусобақаларининг оммавийлиги ва узоқ қашлоқ ҳудудларида ҳам ўтказилишига эътибор қаратди.

Эзгу ташаббусни қўллаб-қувватлаётган тизимдаги барча меҳнат жамоаларида оилавий спорт мусобақалари кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда. Мусобақаларда беллашаётган оилаларнинг иштирокини томоша қилиш учун жамоатчилик вакиллари, меҳнат фахрийлари, ўқувчи ёшлар иштирок этмоқда. Спорт мусобақалари оила аъзолари ўртасида иноқил ва ҳамжиҳатликка, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунга қадар тизимдаги 20 дан зиёд бошланғич ташкилотда мусобақаларининг 1-босқичи бўлиб ўтди. Беллашувларда Жондор туманидаги 20-умумтаълим мактабидан Тўхтаевлар оиласи, 8-умумтаълим мактаби жамоаси — Рўзиевлар оиласи, 48-умумтаълим мактаби шарафини ҳимоя қилган Раҳимовлар оиласининг қўли балинд келди.

Кашқадарё вилоятида корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида "Соғлом оила" мусобақаларининг биринчи босқичи меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида ушқоқлик билан ташкил этилди.

Ҳозирги кунгача вилоятдаги 1456 та корхона, ташкилот ва муассасаларда мусобақалар бўлиб ўтиб, уларда 6289 та оилавий жамоалар таркибида 26307 нафар меҳнатқаш қатнашди. Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан голиб ва совриндорларга дипломлар ва совғалар топширилди. Мусобақанинг навбатдаги босқичи юртимизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

Ўз мухбирларимиз

«New trans alliance» МЧЖ ихтисослаштирилган корхонаси бошланғич баҳоси босқичида-босқич охиб бориш тартибида ўтказилган очиқ аукцион савдосига тақдир этилди. 2016 йил 10 март кунини соат 11:00 да бўлиб ўтаётган аукцион савдоларида Ташкилот фаолият қилиш Миллий банк томонидан тасдиқланган 2013 й. й. й. д.р. 01 813 ZDA бўлган «Кобант» русумли автотранспорт воситаси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 42 700 000 сўм. Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 11:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида қатнашиш истилоҳи бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдордан кам бўлмаган заклалт пулини ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотига — «New trans alliance» МЧЖ нинг «Asia alliance bank» ОАТБ Мирзо Улугбек тумани филиалидаги кўйилган ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Мавзил: Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, Дарвозакент 2-берк кўчаси, 16-уй. Муражат учун телефон: (+99895) 504-99-85. Хизматлар лицензияланган.

Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига

Хаёлни бир ерга жамлаб, фикрни қайраб мутлоа қилган одамга Алишер Навоий асарларини тушуниш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Унинг бой мероси дуру жаваҳирдан-да қиммат бўлиб, бугунги кун учун ҳам аҳамияти катта, деганди адабиётшунос олим Омонулла Мадаев бир анжуманда. Устознинг фикрлари қанчалик тўри ва ҳаққонийлигини буюк мутафаккир шоир ижод намуналарини ўқиб, мағзини қаққан, бир сўз билан айтганда, уққан киши яхши билади. Дарҳақиқат, улуг шоир ижоди маънавият хазинаси, десак асло янглишмаймиз. Бугунги кунда ёшларимиз Мир Алишер Навоий асарларига қўй даражада меҳр қўйган? Умуман, Навоийнинг аниқ сари қандай қадам ташлашимиз зарур? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида ёшлар ва мутахассис фикри билан қизиқдик.

Ҳар бир давос ўзича маъно дурларини териб чиқади. Рухдаги талотумлар яна-яна дея, ўша хазина томон шоширади. Аввало, руҳни тозатиришни, эзгулик абадий эканлигига ишончни, қалбнинг туб-тубида ўз исмини топа олмай ётган бечора ҳисларнинг товланишини, маънавий юксалиш ҳузурини қалб туя бошлади, ҳурсанчиликнинг чек-чегараси бўлмади. Сўз ижодкорининг мислсиз гўзалликлар мўъжизакори эканини кашф этди. Хуллас, буюк санъаткордан мен яшаш

га, замон тафовути ва ориқда ястаниб ётган салкам олти асрлик масофа рўқач қилинади; тушуниш қийинлиги таъкидланади. Бундай муаммонинг борлигига шубҳа йўқ. Аммо бугун турли чет тилларни бемалол ўзлаштираётган ёшлар учун Навоийни ўқиш, уқши ва аниқлаш қийин бўлмаслиги керак. Бунинг учун илос, кунт, меҳр-муҳаббат, изиланиш, ғайрат ва ҳиммат муҳимдир. Ўз ишидан завқ топиш, Навоий мутлоасини

НЕКИ БИР СЎЗ ИЗЛАДИ...


Моҳинур СУЙОНОВА, академик лицей ўқувчиси:

— Алишер Навоий асарларини тушуниш оғирлик қилса-да, ўқишдан тўхтамайман. Бунда ҳамма устозимдан кўмак оламан. «Хамса» дostonларини лугат ёрдамида ўқиб, мутлоа жараёнида гўё сеҳр оламига тушгандай бўлман. Қаҳрамонларнинг ҳаёти кўз олдимда жонланиб, кечинмалари кўнглимдан жой эгаллайди. Айниқса, одамийлик, меҳр-оқибат каби фазилатларнинг гўзал ташбеҳлар воситасида тараннум этилиши мени хайратдан оламига олиб кирди.

Инсон меҳнати ортдан эл ичида обрў-эътиборга эга бўлишини ҳам, аввало, Навоий асарлари орқали теран аниқладим. Шу ўринда «Фарҳод ва Ширин» дostonидан қуйидаги воқеани келтириб ўтсам. Асар қаҳрамони Фарҳод Арманистон ўлкасида ўз юртида Қорандан ўрганган тош йўниш хунарини ишлаб, оғир меҳнатдан эзилган халққа ёрдам беради. Яъни у «Хунари асрабон негкумдир охир. Олиб тупроққа кетгумдир охир?!» дея тоғдан сув чиқариш, халқ фаровонлигига ҳисса қўришига киришади. Меҳнати туфайли халқнинг оғирини енгиллаштиради. Севгилиси Шириннинг хурматига сазовор бўлади.

Дугоналарим билан тез-тез баҳру байтлар айтишиб тураимиз. Мушоира ишнинг фазал, рубоийлари ўқилади. Шунда буюк бобокалонимизнинг адабий мероси туганмас хазина бўлиб, биз, ёшларга ота-она ва ёши улугларга ҳурмат-эҳтиромда бўлишни ўргатишини яна бир бор чуқур аниқлаб ётаимиз: **Бошини фидо айла ато қошига, Жисмини қил садқа ано бошига. Тун-кунунга айлагали нур фош, Бирисин ой англа, бирисин қуёш.** Бир сўз билан айтганда, улуг мутафаккир асарларининг мутлоаси киши тафаккурини юксалтириб, камолот тилапояларидан юқорилашига замин яратади.

Лайло ХАСАНОВА, ЎЗМУ магистранти: — Асрлар силсиласини титратган, қалбларга эиё киритган буюк даҳонинг ҳадис-чегарасиз таълими ҳар бир ўқувчи шуғрига маъно уруғларини ташийди. Йилларнинг сабрсиз кунлари этагини тутмоқ учун, албатта, буюк ижодкорнинг улкан хазинасига йўл очувчи калитни изламоқ жоиз. Бунда Аҳриман девнинг минг турфа хийлала-



ри, арслоннинг кучли панжалари, темир баданларнинг нишонтолар камонлари ҳар сония забун қилмоққа шай. Илоҳий ишқ соҳибининг руҳни юксакка кўтаргучи сатрлари ўқувчини бу синовларни енгиб ўтмоқ учун энг муносиб кўприк вазифасини ўтайди. Навоий боғидан маъно гавҳарларини терган киши оламини теранроқ аниқлашга, жисм оромидан ҳам муҳимроқ ҳодисотлар борлигига, руҳий олам кенгликларидан миллионлаб синоатлар яширин эканлигига, у борлиқнинг санъаткори томонидан бир-бирига мўъжаз ва мўъжиз ришталар ила боғланганини ҳис этасан.

Турмушнинг майда ташвишларидан кўра анча улкан ва муҳимроқ амаллар борлигини буюк мисрлар мудом қалб қулоғинга қўйиб туради:

Одамий эрсанг демагил одами, Оники йўқ халқ гамидин гами.

Ўз сатрлари заминига шундай улкан маънони назокат билан боғлаб қўяди. Улуг ижодкор қаламидан тўқилган минг турфа зар ўқувчининг кўзини қамаштиради. Хазинанинг барчасини олиб чиқмоққа шай бўлса-да, фақат мингдан бирини олмоққа имкон топади, холос. Умрининг бир сижим онларидан маъно гавҳарларини онгу шуғрига, қалбнинг ҳар бир пучмоғига жойламоқ ниятида бўлган инсонларнинг илоҳиёт илми нурларидан қалблари, руҳлари ва танлари яйрайди. Ул зот қалби уммонлардан-да кенг.

лаззатини, бадий сўзнинг нодир ва бебаҳо қийматини, руҳий кечинмаларнинг нозик торларидан чиқаётган мунгли ва фараҳбахш қўйларини, умуман олганда, ҳаётнинг асл маъносини ўргандим.

Баҳодир КАРИМ, адабиётшунос:

— Алишер Навоий адабий меросининг кўлами жуда кенг. Бу бебаҳо дурдоналар борлик, ижтимоий турмуш ва инсон ҳаётининг турли жаҳаларини қамраб олади; ҳар бир кишига юрагини уйғотиш, маънавий юксалиш ва моддий неъматларни камолот йўлига сарфлаш юзасидан тавсиялар беради. Унинг ижтимоий-фалсафий руҳда ёзилган асарларида гўзал инсоний фазилатлар, бебаҳо қадриятлар, шойиста туйғулар ва камил инсонга хос хислатлар тараннум қилинади.

Асрлардан асрларга ўтиб келаётган Навоий меросини бугунги авлоднинг ўқиши, ўзлаштириши, ўзларининг маънавий мулки ва ҳаётий дастурига айлантириш масаласи ҳар вақт бизни ўйлантиради. Хўш, бугун Алишер Навоий ижоди, адабий меросини тўла-тўқис ўзлаштиришга нима монезлик қилади? Миллат фахри бўлган шoirнинг барча асарлари бутун моҳияти билан кундалик ҳаётимиздан, одоб-ахлоқ мезонларимиз қаторидан ўрин олганми?

Кўп ҳолларда бу саволлар жавоби қийналади одам. Чунки дастлаб Навоий асарларининг тили мураккабли-

шавқли бир машғулотга айлантира олиш жоиз. Демак, бунинг учун, биринчи навбатда, Навоий асарларидаги тушунилиши қийин бўлган сўзларга эътибор бериш, шу соҳа лугатларидан эринмай зарур сўзни излаб топиш, маълум даражада араб ва форс тиллардан бохабар бўлиш лозим. Менинг тасаввуримча, замонамизнинг чин зиёлиси Алишер Навоий асарларини ҳеч қийналмасдан ўзлаштириш, тушуниш ва тушунтириш саодатига эришган одамдир. Ҳазрат Алишер Навоийнинг қалбини, дардини, аъмолини, дунёсини, орузсини, гоъси-идеалини етарлича аниқлаш учун бугунги мустақиллик замонидан ҳар вақтдагидан кўра имконият кўпроқ. Техник воситалар, лугатлар етарли, тилларни ўрганиш сабоқлари учун ҳеч бир тўсиқ йўқ. Қолаверса, «Хамса» туркум дostonларининг насрий баёнлари, «Маҳбуб ул-қулуб», «Листон ут-тайр» каби асарларининг бугунги адабий тилга мосланган нусхалари, газаллари шарҳланган рисоалар бир неча марта нуфузли нашриётларда босилиб чиққан...

Демак, Алишер Навоий адабий-илмий меросини ўрганиш учун ҳар кимда кунт ва илос бўлиши шарт. Бу хусусда ҳазратнинг ўзлари бизга қарата шундай хитоб қилади:

Ранж кўрмай киши топарму фароғ, Кўнгли ўртанмайин ёнарму чароғ. Тухум ерга кириб чечак бўлди, Кўрт жондин кечиб ипак бўлди. Лола тухминча гайратинг йўқму? Пилла куртича ҳимматинг йўқму?

Ҳа, газал мулкнинг султони Навоий бобомизнинг асрлар оша яшаб келаётган асарлари зим-зиё тунда порлаб чиққан ой бўлиб киши йўлини ёритади. Ҳаётга теран нигоҳ билан қарашга ўргатади. Унга порлоқ истиқболни кўрсатиб, излаган нарсанин топишда ёрдамга келади. Шоир айтганидек:

Неки бир сўз изладим — Навоийдан топдим, Қалб муродин қўладим — Навоийдан топдим. Тополмадим ота-онам ҳаққига жонсўз, Навоийдан сўзладим — Навоийдан топдим... Салим АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади

Хунар — зар

Устоздан ўзган шогира

Инсонни меҳнат улуглайди. Ҳалол, ибратли фаолияти билан олқиш олиб, ўз ибрати билан бошқаларни-да эзгуликка чорлаётган юртдошимиз Зангиота туманидаги «Қашқар» маҳалласида яшовчи хунарманд Абдумажид Абдурахмоновга беихтиёр ҳавасимиз ортди.

Қаҳрамонимизда болалиқданок санъатга иштиёқ кучли эди. 1974 йилда ўрта мактабни битириб, Республика рассомлик коллежида тахсил олди. Устозлари Саидазим Қосимов, Ортик Файзуллаев, Маҳмуд Тўраевлардан ёғоч ўймакорлик сирларини ўрганди. 1981 йилдан ҳозирги кунгача Ўзбекистон халқ санъати усталари «Устозода» корхонаси устаси бўлиб ишлаб келмоқда. 1980 йилдан буюн «Истиклол санъат саройи», Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси, Бухорода Баҳоуддин Нақш-

банд зиёратгоҳи, «Зомин» санаторийси ва Москва, Қозоғистон, Франциянинг «Ўзбекистон» элчионаси, Белгиянинг Брюссел шаҳридаги маданий биноларнинг ёғоч ўймакорлик ишларидаги иштироки билан обрў-эътибор топди. Бундан ташқари, араб дунёсидан ўзига хос нуфузга эга Дубай, Шаржа, Абу-Даби каби шаҳарларда халқаро амалий санъат фестивалларида қатнашиб, юртимиз довругини оламга ёйди. — Устозлар йўлидан бориб, кам бўлмадик, — дейди тажрибали уста А.Абду-

рахмонов. — Ҳеч эсимдан чиқмайди, биринчи ишимни битирганимни кўриб, нақош-уста Маҳмуд Тўраев, ҳали ўз устингда жуда кўп ишлашнинг керак, деганларида, оромим йўқолгани кечагидек ёдимда. Хунар йўли игна билан қудқ казиш демакдир. Шукрлар қиламанки, Зиёдулла Исмомов, Аббос Мавлонов каби 40 нафардан зиёд шоғирларим бугун элимиз хизматида. Улар ҳар хил кўрнинидаги курси, панжара, намоевлар, устунлар, эшик каби ёғоч ўймакорлиги ишлари билан МДХ дав-



латлари кўрғазмаларида қатнашапти. — Абдумажид Абдурахмонов хунар йўлида учраган қийинчиликларга басма-бас кела билган меҳнатқаш, тиришқоқ шоғирларимдан. Хунар инсондан катта сабр эгаси бўлишликни талаб қилади. Истардимки, яна дунёни лол

қиларлик асарлари билан аъналаримизни давом эттириб, авлодларимизнинг янги-янги вакиллари бўй кўзаверсин, — дейди Ўзбекистон халқ рассоми, моҳир ёғоч ўймакори Ортик Файзуллаев.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi. Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev. Tahrir hay'ati: Abdullaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyeva, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev.

BO'LIMLAR: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63. Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69. Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79. Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43. Reklama va e'lonlar — 256-87-73. Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: xallar@ishonch-doverie.uz. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

HUDDULARDAGI MUXBIRLAR: Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32. Andijon — (+998-91) 475-23-60. Buxoro — (+998-93) 653-50-81. Jizzax — (+998-91) 943-67-44. Namangan — (+998-90) 260-50-77. Samarqand — (+998-97) 915-50-87. Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55. Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99. Farg'ona — (+998-91) 141-27-70. Xorazm — (+998-90) 719-48-00. Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01.

Navbachi muharrir: N.Rafiqov. Navbachi: R.Mahkamova. Musahhih: S.Shodiyeva. Sahifalovchi: H.Abdujalilov. Boshaqqa topshirish vaqti — 21:20. Topshirildi — 21:50. 1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi. Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hojmi 2 bosma taboq. Buyurtma G — 215. 21870 nusxada bosildi. Nash ko'rsatkichi: 133.